

ТАБИАТ ФАЛСАФАСИГА ОИД БИЛИМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Жамшид Шодиёрович Элмуротов

Тошкент архитектура-қурилиш университети PhD, доц.

jamshidbek82@gmail.com

Чарос Азаматовна Азимова

Тошкент архитектура-қурилиш университети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада аввало, фалсафа ва фан соҳасида энг муҳим ва кенг қўлланиладиган фалсафий категориялардан бири-табиат фалсафаси борасида сўз боради. Мазкур ўринда табиатни ўрганишга нисбатан одатдаги ёндашувлар «биосфера ва инсон» мураккаб системасининг таҳлили ва уни фалсафий англаб етиш ҳисобига сезиларли даражада кенгайди, «табиат» атамаси янгича, янада теранроқ мазмун касб этишини тушуниш долзарб. Шунингдек, мақолада жамиятнинг атроф-муҳит билан ўзаро боғлиқ муносабатлари, хусусан иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт соҳасидаги фаол фундаментал тадқиқотлар маҳсули эканлиги очиб берилган.

***Калит сўзлар:** абстрактлаштириш, асослаш мезони, ахборот жамияти, генетика, глобаллашув, интеллект, интеграция, натурфалсафа, генетика, ноосфера*

ABSTRACT

First of all, the article talks about the philosophy of nature, one of the most important and widely used philosophical categories in the field of philosophy and science. At this point, the usual approaches to the study of nature are significantly expanded due to the analysis of the complex system "biosphere and man" and its philosophical understanding, it is important to understand that the term "nature" acquires a new, deeper meaning. Also, the article reveals that the mutual relations of society with the environment, in particular, are the product of active fundamental research in the field of economy and social life.

***Key words:** abstraction, justification criterion, information society, genetics, globalization, intelligence, integration, natural philosophy, genetics, noosphere*

КИРИШ

Бутун тарих мобайнида одамлар ўзларининг атроф муҳитга таъсир кўрсатиш қобилиятларини тинимсиз ривожлантирдилар ва такомиллаштирдилар. Шу тариқа жамиятнинг табиат билан ўзаро муносабатлари ҳам ўзгариб борди. Бугунги кунда тарих, археология, география,

этнография соҳасида ва бошқа фанларда мавжуд илмий маълумотлар табиатга антропоген таъсир инсониятнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсишига мутаносиб равишда тинимсиз кучайиб боргани ва пировард натижада ижтимоий ривожланишнинг асосий босқичларини акс эттирганини тасдиқлайди. Бу босқичларнинг ҳар бирига атроф муҳит билан инсон муносабатларининг ўзига хос шакллари ва унинг онгида табиатнинг ҳар хил инъикоси хосдир. Жумладан “Авесто” китобида сувга тупуриш гуноҳлиги, олов илоҳий мўъжиза эканлиги, қабристонларга, йўл бўйига мевали дарахтларни ўтқазиш мумкин эмаслиги ҳақидаги ғояларнинг илгари сурилиши табиат қадимги даврларда ҳам буюк неъмат сифатида эътироф этилганлигидан далолатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, табиат ва жамият ўзаро алоқасининг у ёки бу босқичларини ажратиш нафақат ишнинг объектив томонига, яъни кўрсатилган ўзаро алоқаларни тавсифловчи табиий ўзгаришларга, балки бундай ажратиш натижасида қандай мақсадлар кўзланишига ҳам боғлиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Айни ҳолда бизни инсоннинг атроф муҳитга таъсири хусусияти ва унинг табиатга боғлиқлиги масалалари кўпроқ қизиқтиради.¹ Бундан мақсад қандай қилиб инсон ўзининг аввалги табиатга тўла қарамлик ҳолатидан фан ва техникани фаол ривожлантириб, уларнинг ёрдамида табиатни ўзига бўйсундириб, уни хизматкорига айлантиришга ҳаракат қилиб, пировардида кескин экологик муаммоларни юзага келтирганини кўрсатиб беришдир.

Ер, океанлар, китъалар ўрни ва уларда яшовчи халқлар ҳақидаги дастлабки тасаввурлар одамларда атиги 300-400 йил муқаддам, Буюк кашфиётлар даври яқунланганидан сўнг пайдо бўлди. Бунгача одамлар бир неча минг йиллар мобайнида унча катта бўлмаган ҳудудларда яшадилар.

Ибтидоий одам термачилик, овчилик, балиқчилик билан шуғулланиб, ўзининг одатдаги эҳтиёжларини тайёр маҳсулотларни ўзлаштириш билан қондирган, яъни табиат берган неъматлар билан кифояланган. Бу неъматлар унинг атрофида ўсаётган, чопаётган, ўрмалаётган, учаётган, сузаётган ва овқатланиш учун ярайдиган нарсалардан иборат бўлган. Ўша даврда инсон табиатга тўла сингиб кетган ва унга бутунлай қарам эди. У табиатдан ажралмаган ва ўзини унга қарши қўймаган.² Айни шу сабабли, ўша даврда фақат озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва яшаб қолишни таъминловчи табиий шароитлар билан белгиланган ўзининг оз сонлилиги

¹ Choriev A. Inson falsafasi. –Toshkent.: O'FMJ, 2006.

² Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация под редакцией О. Файзуллаева -Т.: Шарқ, 2000.

туфайли ибтидоий одам атроф муҳитга сезиларли даражада зарар етказишга қодир эмас эди.

Инсоннинг деҳқончилик билан шуғулланишга ўтиши табиатда бундан ҳам кучлироқ ўзгаришлар ясади. Одамзот экин майдонларига жой очиш мақсадида ўрмонларга ўт қўйиб, улардаги дарахтларни илдизи билан қўпора бошлади. Одамлар яшайдиган жойларда ландшафтлар хусусияти ўрмонлар камайиши, тупроқ нураши ва шу кабилар натижасида бутунлай ўзгарди.

Кейинчалик ариқлар ва суғориш системалари қурилиб, ер ости бойликлари изчил қазиб олина бошлагач, табиатдан фойдаланиш даражаси кенгайди. Темир пайдо бўлиши билан инсоннинг техник имкониятлари кескин ортди, меҳнат куроллари такомиллаштирилди, янада мураккаброқ муҳандислик ва суғориш иншоотлари пайдо бўлди. Инсон табиатни аста-секин ташқи ва ўзига қарши куч сифатида идрок этиб, табиат билан айний мавжудотдан ундан фарқ қиладиган мавжудотга айланиб борди.

Табиатга нисбатан бундай муносабат асосан мил. ав. I минг йилликнинг ўрталарига келиб шаклланди ва назарий тафаккур пайдо бўлиши билан сезиларли даражада ўзгарди. Бу тафаккур ўша даврда дунёқарашнинг алоҳида тарихий шакли сифатида вужудга келган фалсафанинг узвий ва таркибий қисмига айланди. Илк антик файласуфлар, фалсафанинг бош вазифаси улар космос сифатида тушунган дунё нимадан иборат, деган саволга жавоб топиш учун табиатни ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Антик даврда табиат инсондан деярли ҳамма нарсада устун бўлган кудратли куч бўлиб қолишда давом этса-да, лекин уни одамзот назарий англаб етиши натижасида табиат муайян қиммат касб этди ва кўп жиҳатдан уйғунлик ва баркамоллик идеали сифатида идрок этила бошлади. Антик файласуфларнинг кўпгина асарлари табиатга ҳурмат кўрсатиш ғояси билан суғорилган бўлиб, табиат билан муросаи мадора қилиш ва унинг қонунларига мувофиқ яшашга чақиради, айни шундай ҳаётни энг муносиб ва мақбул деб эътироф этади.

НАТИЖАЛАР

Кейинчалик, христиан ва ислом дини дунёқарашада, табиат билан бирикишни назарда тутувчи бу ёндашув ўрнини табиатга бўлган ўзгача муносабат эгаллади. Натижада, табиат яратилган ва шу боис ўткинчи ва ўзгарувчан деб талқин қилинди. Шу тариқа ўлмас жонга эга Худо ўткинчи табиатдан устун қўйилади.³ Бундай устун қўйиш натижасида одамларнинг

³ Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Т.:Тафаккур, 2009.

табий кучлар стихиясига қарамлиги камаймаса ҳам материя ва руҳ нисбати кўпроқ маънавий инсон ва руҳсиз табий олам тузилишининг турли поғоналаридан ўрин олди. Диний ақидалар боқий, маънавий асос – Худо олий даражада руҳ фойдасига ҳал қилинади. Бу ҳол илоҳий ақидалар фалсафий таълимотлардан устун қўйилган ва аксарият одамлар дунёқарашининг негизини ташкил этган ўрта асрлар фалсафасида айниқса бўртиб намоён бўлади.

Антик даврнинг кўпгина кадриятлари ва идеаллари тикланган Уйғониш даври санъат, эстетика ва гўзалликка кучли қизиқиш билан тавсифланади. Бу даврда табиатга гўзаллик ва илҳом манбаи деб қарашга асосланган янгича муносабат юзага келди. Ўз-ўзидан равшанки, мазкур мўлжал реал борлиқни фаол ўрганиш ва уни янада теранроқ тушуниб етишга рағбатлантирган.

Бу даврда Н.Коперник, Г.Галилей, Н.Кузанский, Ж.Бруно ва бошқа мутафаккирлар ривожлантирган космологик ва натурфалсафий, А.Жомий, А.Навоий илгари сурган гуманистик ғоялар табиатга бўлган янгича муносабат билан бевосита боғлиқ ва маълум даражада шу муносабатлардан келиб чиқади.⁴

Сўнгги юз йил ичида одамларнинг табиат билан ўзаро муносабатларида ҳайратомуз ўзгаришлар юз берди. Бир томондан, миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро алоқадорлиги қонуни амал қилиб, инсон фаолиятининг асрлар мобайнида зимдан йиғилиб келган салбий оқибатлари жамулжам ҳолда янгича сифат касб этди. Бу илгари яшовчанлик қобилятига эга бўлган кўпгина ҳудудлар яйдоқ саҳрога айланишида, атмосфера, сув ҳавзалари ва шу кабиларнинг ҳалокатга элтадиган тарзда ифлосланишида намоён бўлди. Хусусан, ҳозирги вақтда бутун қуруқлик юзасининг 40% дан кўпроғини саҳролар эгаллаган. Стратосферанинг озон пардасидаги тешиқлар, оқава сувлар ташланадиган «ариклар»га айланиб қолган кичик ва катта дарёлар ҳам бир лаҳзада пайдо бўлгани йўқ.

МУҲОКАМА

Айни вақтда, сайёра тобора кўпайиб бораётган одамларга ҳаддан ташқари тор, «кичкина» бўлиб қолди. Бугунги кунда қуруқлик, сув ёки фазонинг инсон таъсиридан холи бўлган биронта ҳам қисми қолгани йўқ. Табиатга салбий антропоген таъсир даражаси ортида табий муҳит таназзули орқага қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этадиган чегарага етмоқда. Бундай ҳолат экологик танглик сифатида тавсифланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, табий системалар ҳаддан ташқари зўриқиши, атроф муҳит (сув, ҳаво, тупроқ) ифлосланишининг муайян меъёрлари мисли кўрилмаган даражада бузилиши

⁴ Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. - Тошкент.: «Фалсафа ва ҳуқуқ» нашриёти, 2006.

натижасида табиий жараёнларда мувозанатнинг бузилиши юз беради. Пировардида экологик тизимлар доирасида ўзаро алоқалар ва «жамият-табиат» системасининг кўпгина параметрлари издан чиқади.⁵

Табиат антропоген зўриқишларни фақат маълум меъёр даражасида бартараф этишга қодир эканлигини одамлар сўнгги вақтдагина англай бошладилар. Бу меъёрнинг бузилиши биосферада кўпинча орқага қайтариб бўлмайдиган сифат ўзгаришлари юз беришига сабаб бўлади. Шамол кўтарган ёки вулқонлар итқитган чанг, ўрмон ёнғинларидан ёки ер юзасига нефтнинг табиий чиқишидан ҳосил бўлган тутун тарзидаги табиий ифлосланишни табиат ўзи осонгина бартараф этади. Аммо инсон атроф муҳитга унинг бундай таъсирларга қаршилик кўрсатиш табиий имкониятларидан бир неча баравар ортиқ бўлган кўшимча зўриқишларни яратди. У ер юзаси, атмосфера ва сув ҳавзаларига табиий чиқиндилар таркибидагидан кўпроқ миқдорда кимёвий элементларни тобора ўсиб бораётган суръатларда ташламоқда; шунингдек, уларга табиат инсон ёрдамсиз абсорбация қилиш (утиллаштириш)га қодир бўлмаган пластмасса, керамика, шиша каби кўп сонли сунъий материалларни кўшимча қилмоқда. Бунинг оқибатида кимёвий моддалар билан заҳарланган далалар ва сув ҳавзалари, экологик жиҳатдан тоза деб айтиш мушкул бўлган озик-овқат маҳсулотлари, шаҳарлардаги тутун, қурум, кул зарралари, чанг, ёнилғи буғи кабилар аралашмасидан иборат заҳарланган ҳаво, ахлат, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва шу кабилардан кўтарилган тоғлар инсон борлигининг доимий ҳамроҳларига айланди.

XX асрнинг 60 йилларида совет тузумининг Марказий Осиёда пахта мустақиллигига эришиш учун пахта яккаҳоқимлигига интилиши Орол денгизининг қуришига бу эса экотизимнинг бузилишига, Орол бўйи ҳудудларида турли касалликларнинг пайдо бўлиши, экин майдонларининг вайрон бўлишига олиб келди. Шу маънода И.А. Каримов “Орол инқироzi – инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фалокатлардан бири”¹ деб алоҳида эътироф этади. XX асрнинг 70 йилларида Тожикистон ҳудудида ишга туширилган алюмин заводи тутунининг атмосферани ифлослантириши Сурхондарё вилояти ҳудудларида экологик муаммоларини юзага келтирди.

Инсон жамиятнинг табиат билан муносабатларида юз берган бу шиддатли ўзгаришлар моҳиятини тушунишга ҳаракат қилар экан, аввалгидек, юз бераётган жараёнларни илмий ва фалсафий таҳлил қилиб, ўз тафаккурига

⁵ Урсул Д. Путь в Ноосферу (Концепция выживания и устойчивого развития цивилизации). – М., изд. «Луч», 1993.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва барқарорлик кафолатлари.-Т.: Ўзбекитсон,1997.-Б.107

мурожаат этмоқда. Шу боис Бутун дунё, хусусан Марказий Осиё давлатларининг табиий муҳитни муҳофаза қилиш учун иқтисодий ва фан теника соҳасидаги ҳамкорлиги турли йўналишларда олиб борилмоқда. Жумладан, Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармаси (МФСА) ташкил этилди ва унинг режали фаолияти йўлга қўйилди.

Экологик фалсафа – жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирини ижтимоий-фалсафий тадқиқ қилувчи илм соҳасидир. Экологик фалсафа – объектив зарурият туфайли пайдо бўлган фалсафий билимларнинг бир мунча янги соҳасидир. XX аср табиатшунослари Э.Леруа ва В.Вернадскийнинг ғоялари экофалсафанинг назарий манбалари бўлиб хизмат қилди. Экология атамаси XIX асрнинг ўрталаридаёқ немис биолог-олими Э.Геккел томонидан муомалага киритилган эди. Унинг фикрича, экология (грекча, - уй турар жой ҳақидаги фан) организмларнинг бир-бирлари ва атроф-муҳит билан муносабатларини ўрганувчи фанни билдиради.

В.И Вернадский (1863-1845) ерда ҳаётнинг пайдо бўлишини геологик ҳодиса деб талқин қилади. Ҳаёт ўзининг таъсир кучи билан биосферани вужудга келтирди, биосфера эса, планетамиз эволюциясига ўзининг таъсирини ўтказди. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва турли табиий жараёнлар туфайли эса инсон пайдо бўлди. В.И Вернадскийнинг фикрича, энди XX асрнинг 40-йилларига келиб инсон ўзининг хўжалик фаолияти билан кўлами бўйича геологик таъсирга эга бўла бошлади. Вернадскийга кўра, инсон бир томондан геологик куч, бошқа томондан эса – муайян босқичга стихияли ривожланишдан тўхтаб, ноосферага, планетанинг ақлий қатламига айланиб борувчи – биосферанинг янги ҳолатидир.⁶

Шундай қилиб, экофалсафанинг пайдо бўлишининг биринчи гуруҳ сабаблари ер планетаси ҳақидаги табиий-илмий билимларнинг ривожланиши экан. Экофалсафа фанининг шаклланишини тезлаштирган иккинчи гуруҳ сабаблар – яшаш муҳитига инқирозий ҳолатларнинг кучайиши - табиий муҳитнинг инсон таъсирида ўзгариб бориши ва турли экологик муоммоларнинг вужудга келиши. Учинчи гуруҳ сабаблар ернинг келажакдаги муаммолари яъни Рим клуби раҳнамолигидаги олимларнинг ва бошқа тадқиқотчиларнинг Ернинг келажаги тўғрисидаги моделлари, ғоялари.

80- йилларда экофалсафанинг предмети табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсирини комплекс тадқиқ қилиш деган тасаввур шаклланди. Бу даврдан бошлаб, ҳозирги фанларнинг экологизациялашуви бошланди. Агар экология ўзининг бошланғич шаклланиш даврида, билимнинг алоҳида соҳаси сифатида

⁶ Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Т.:Тафаккур, 2009.

табиат экологияси, биомларнинг ички муносабатларини тадқиқ қилиш ва анализ қилиш объекти – популяция ва биологик турлар бўлган бўлса, эндиликда экологияни ривожланиш объекти экосистемалар, биоценозлар ва ер юзидаги бутун биосфера бўлиб қолди.

Вернадский инсонни (жонли моддалардан тузилган) биосферанинг бир соҳаси сифатида – космик ҳодиса, деб тушунган. Инсоннинг табиатдан, ердан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмаслигини, унинг моддий-энергетика манбаи ер эканлигини назарда тутиб, уни геологик ҳодиса деб билган.

Инглиз геофизиги Жеймс Лавлок Вернадский ғояларини ривожлантириб, Гея деб аталувчи ернинг мавжудлиги гипотезасини илгари сурди. Ушбу гипотезага биноан, ернинг барча соҳаси, (жумладан, биосфера ҳам) бир бутун организмдир. Ундаги барча ҳаракатлар, жараёнлар Ернинг барқарорлигини ва мувозанатини таъминлайди. Кўпгина файласуфлар ушбу гипотезани давом эттириб, ноосфера ернинг юрагидир, кишиларнинг салбий эмоциялари планетага, оғир, вайронкор таъсир этади, деб кўрсатадилар. Кишиларнинг бир-бирларига қаратилган агрессияси XX аср цивилизациясига хос хусусиятдир, дейди улар. Ва бу глобал муаммоларни чуқурлаштириб, инсониятни ҳалокатга олиб боради, деган пессимистик хулосага келадилар.

Экофалсафанинг марказий категорияси, жуда кенг маънода, космик ҳодиса сифатида тушуниладиган – ҳаётдир. Ҳаёт тушунчасига инсон билан табиатни боғлаб юборадиган (улар ўртасидаги чегараларни бартараф этадиган), уларнинг уйғунлигини кўрсатадиган – биологик, психологик, маънавий ва руҳий сифатлар, интуиция ва ҳис қилишлар киради. Кўп асрлар давомида рационализм қуринишдаги қуруқ ақлбозлик табиий дунё билан инсоният дунёсини бир-бирларидан ажратиб келди. Экофалсафа ижтимоий ва гносеологик муаммоларни тушуниш борасида кескин ўзгаришлар қилишни кўзлайди. Бу инсоннинг табиатга бўлган хуружлардан тийилишини, янги техника ва технологиялар яратишни, муқобил маданият ва қадриятлар системасини шакллантиришни назарда тутди. Яъни бу ҳозирги даврда эгоизм, фойда ортидан қувиш, ҳоқимият учун кураш, эгоцентризм ва агрессивлик кабилар билан боғлиқ бўлган системадан халос бўлишни, янги муносабатларни қарор топтиришни билдиради. Шундай қилиб, ҳозирги давр экофалсафаси Маданиятнинг биосферавий концепцияси бўлиб ҳисобланар экан.

Эко фалсафанинг шаклланишида В.Вернадскийнинг ноосфера тўғрисидаги таълимоти алоҳида ўрин тутди. 1924- йил Париждаги илмий симпозиум (анжуман)да рус олими В.Вернадскийнинг биосфера тараққиёти тўғрисидаги концепцияси муҳокамасида француз олими Э.Леруа “ноосфера” атамасини

биринчи бўлиб қўлади. Француз табиатшунос файласуфи Пьер Тейяр де Шарден 1927- йилда фанга ноосфера атамасини олиб кирди. Бу атамани ақл соҳаси сифатида содда таърифлаш кенг тарқалган. Аслида ноосфера биосферанинг шундай бир ҳолатики, биосферани Ақл ёрдамида инсоният умумий манфатларига мувофиқ ривожлантириш, унинг истиқболини жиддий ўйлаб янги дунёқарашни шакллантириш жараёни бошланишини англаб етишдир. Бунга кўра, илмий техника тараққиёти ва айниқса илмий техника инқилоби шароитида табиатни авайлаб-асраш учун инсоният маъсулияти ниҳоятда ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, ялпи умумий ҳаракат йўналиши белгилаш заруриятини билиб олишдир.

Вернадский жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирига эътибор қаратиб, агар жамият ақлий асосларга таянган ҳолда, табиат қонунларига мос равишда ривожланмаса, ер юзидаги бутун тирик жон ҳалокатга учрашиши муқарардир, деб башорат қилган эди. Инсон ўз ҳаракатининг салбий ҳолатларга олиб келишини кўра олиши зарур, дейди Вернадский. Вернадский келажакка ишонч билан қарай туриб, биосферанинг ноосферага – Ақл ёрдамида бошқариш имкониятлари мавжудлигига эътибор қаратади. У ноосферани биосферанинг – ақл–идрокка таянилган ҳолда бошқариладиган поғонаси, деб билади.⁷

Вернадский “Ноосфера ҳақидаги икки оғиз сўзи” асарида инсоният зўр геологик куч бўлиб майдонга чиқмоқда, унинг тафаккур ва фаолияти биосферани ўз мақсадлари учун тобора ўзгартирмоқда, шу тариқа биз биосферанинг янги ҳолати –ноосферага қадамма-қадам яқинлашмоқдамиз, деган эди.

Экофалсафанинг ривожланишига немис файласуфи Алберт Швейцер (1875-1965)нинг ҳам ўз ўрни бор. Швейцер европа фалсафасини қуруқ рационализмда ва маданий-ижодий қадриятларни йўқотишда айблайди. Унинг фикрича, моддий ишлаб чиқариш маънавийликдан устун бўлиши мумкин эмас. Фабрика меҳнати ва конвейер усули кишиларни бой ҳам, бахтли ҳам қилмади, деб кўрсатиб ўтади Швейцер. Европа одами, дейди файласуф, уни жамиятнинг прогрессив ривожланишига ҳар қанча ишонтиришга уринишса ҳамон ёлғиз ва бахтсиз бўлиб қолмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш муминки, ҳозирги дунё маданий тушкунликни бошидан кечирмоқда, чунки у ахлоқий мазмунини йўқотмоқда, уни миллатчилик ва эзгуликка олиб келмайдиган, бемаъни ватанпарварлик адо

⁷ Моисеев Н.Н. Человек и ноосфера. – Москва, Молодая гвардия, 1990.

қилмоқда. Швейцер маданий инқирознинг иккинчи сабаби дунёқарашнинг ўзгаришида, деб билади.⁸

Ҳозирги даврда инсониятнинг асосий вазифаси – инсоннинг мавжудлигини таъминловчи, унинг инсоний сифатларини ўстиришга хизмат қилувчи маданий эволюцияни амалга оширишдир.

Печчеи томонидан таклиф қилинган янги гуманизм – умуминсонийлик туйғусини ривожлантиришни, адолатлиликка муҳаббат ва зўровонликка мурасасизликни, инсоннинг ички маънавий-руҳий маданиятини такомиллаштиришни талаб қилади.

Шундай қилиб, экофалсафа жамият ва табиат, сунъий ва табиий жараёнлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун, Ерда ҳаётни сақлаб қолиш учун, барча кишиларда экологик маданиятни шакллантириш зарур, деб тўхтамга келади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017
2. Choriev A. Inson falsafasi. –Toshkent.: O'FMJ, 2006.
3. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация под редакцией О. Файзуллаева -Т.: Шарқ, 2000.
4. Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Т.:Тафаккур, 2009.
5. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. - Тошкент.: «Фалсафа ва ҳуқуқ» нашриёти, 2006.
6. Урсул Д. Путь в Ноосферу (Концепция выживания и устойчивого развития цивилизации). – М., изд. «Луч», 1993.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва барқарорлик кафолатлари.-Т.: Ўзбекитсон,1997.-Б.107
8. Моисеев Н.Н. Человек и ноосфера. – Москва, Молодая гвардия, 1990.
9. Falsafa. Mamashokirov S. taхрири ostida. -Т.: Шарқ, 2005

⁸ Falsafa. Mamashokirov S. taхрири ostida. -Т.: Шарқ, 2005